
Аҳоли мурожаатлари ижобий ҳал этилмоқда.

Кува туманидаги Ўзбек маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги электр сим ёғочлар ва электр линиялари эскирганлиги сабабли ҳудудда электр тизимида кўплаб узилишлари юзага келар эди.

Албатта бу ўз навбатида фуқароларнинг ҳақли эътиrozларига сабаб бўлаётган эди. Туман электр тармоқлари ва масъуллардан иборат ишчи гуруҳ муаммони жойига борган ҳолда ўрганди. Худуддаги фуқаролар ва фаоллар билан суҳбатлашиб, муаммолар атрофлича ўрганилди.

Билдирилган мурожаатларни ижобий ҳал этиш мақсадида лойиҳачи ташкилотлар жалб этилиб, амалга оширилиши лозим бўлган ишларни лойиҳалаш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишлар бошлаб юборилди.

2022-10-25 21:39:36